

УДК: 632.937.3

**МАКРОЛОФУС (*MACROLOPHUS NUBILIS*) ЭНТОМОФАГИНИНГ
БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ.**

Холмирзаева Зулфизархон Баходиржоновна

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Эргашбоева Зарнигор Махаматисо қизи.

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти талабаси.

Аннотация. Ҳозирги вақтда дунёning 179 мамлакати органик қишлоқ хўжалигини ривожлантироқда, унда 2 миллиондан ортиқ ишлаб чиқарувчилар ишлайди. 89 мамлакатда органик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва айланмаси соҳасида ўз қонунлари мавжуд. Йиллик ишлаб чиқариш ўсиши йилига 12-15% ни ташкил қиласи ва бундай ставкалар 2025 йилгача давом этиши кутилмоқда [2].

Аннотация. В настоящее время 179 стран мира развивают органическое сельское хозяйство, в нем занято более 2 млн производителей. 89 стран имеют собственные законы в сфере производства и оборота органической продукции. Ежегодный прирост производства составляет 12-15% в год, и, по прогнозам, такие темпы сохранятся до 2025 года [2].

Abstract. Currently, 179 countries of the world are developing organic agriculture, employing more than 2 million producers. 89 countries have their own laws in the field of production and turnover of organic products. Annual production growth is 12-15% per year, and, according to forecasts, such rates will continue until 2025 [2].

Калит сўзлар: иссиқхона, органик дехқончилик, Макролофус, йиртқич, энтомофаг, шира, оққанот, ўргамчаккана, трипс.

Ключевые слова: теплица, органическое сельское хозяйство, Макролофус, хищник, энтомофаг, тля, белокрылка, обыкновенный паутинный клещ,

Key words: greenhouse, organic farming, Macrolophus, predator, entomophagus, aphids, whitefly, common spider mite, trips.

Сўнгги 15 йил ичида глобал органик маҳсулотлар бозори деярли 5 баравар ўсди – 18 миллиард доллардан 82 миллиард долларгача - ва бугунги кунда глобал озиқ-овқат бозорининг 10 фоизини ташкил этади. 2022 йилга келиб органик моддалар бозори 200 миллиард доллардан ошади [2].

Экология ва саломатлик масалалари биринчи ўринда турган замонавий даврда иссиқхона дехқончилиги тобора оммалашиб бормоқда. Органик маҳсулотларни етиштиришда иссиқхоналарда касаллик ва зааркунандаларга қарши курашда органик муҳитни яратиш очиқ майдонга нисбатан самарали ҳисобланади ҳамда органик маҳсулотларни етиштиришда асосий рол ўйнайди. Улар органик дехқончилик учун зарур бўлган атроф-муҳитни назорат қилиш учун ноёб имкониятни тақдим этади. Иссиқхоналарда кимёвий воситалардан фойдаланмасдан ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши учун муҳим бўлган тўғри иқлим, намлик ва ёритишни аниқ сақлаш мумкин. Бу эса соғлом, табиий, "тоза" маҳсулотларни идеал шароитда етиштиришга имкон беради.

Бундан ташқари, иссиқхоналардан фойдаланиш мавсум ва об-ҳаво шароитидан қатъи назар, бутун йил давомида органик маҳсулотларни этиштириш имкониятини беради. Бу нафақат истеъмолчилар учун янги органик маҳсулотларнинг мавжудлигини оширади, балки фермерлар учун иқтисодий фойдани сезиларли даражада оширади.

Ўзбекистонда ҳам бугунги кунда органик маҳсулотлар етиштириш ҳажмини ошириш бўйича бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилаётган бўлиб, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 ноябрдаги “Органик маҳсулотлар ва хом-ашёлар ҳамда органик-минерал ўғитларнинг хавфсизлигига доир айрим норматив-ҳукуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги N 729 – сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга

доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2020 йил 18 майдаги ПФ-5995-сон [Фармони](#)ларида бир қанча вазифалар белгилаб берилган [3].

Бугунги кунда Республикаизда асосан 3 турдаги (трихограмма, габрабракон, олтинкўз) энтомофаглари кенг миқиёсда, апенталес, энкарзия, подизус энтомофаглари эса қисман даражада лаборатория шароитида етиштирилиб келинмоқда. Бу эса соҳада биоагентлар турларининг кенг миқиёсда боғбон ва фермерларга тақдим этилмаётганлигидан ҳамда бу соҳани ривожлантириш орқали табиатдаги энтомофаглар хилма-хиллигини ошириш ўзининг долзарблигини белгилайди. Шундай самарали биоагентлардан бири Макролофус (*Macrolophus nubilis*) бўлиб, у *Hemiptera turkumi*, *Miridae* оиласига мансуб, ҳимояланган грунтдаги ҳаммахўр йиртқич энтомофаг ҳисобланади. Йиртқич қандала ҳимояланган грунтдаги сўрувчи зааркунандаларнинг ҳамма турлари (оққанотлар, ўсимлик битлари, трипслар, ўргимчакканалар) билан озиқланади. Европанинг бир қанча ривожланган давлатларида ва Россия Федерациясида оққанот ва битларни қириш учун тавсия қилинган.

Макролофус йирик қандала, танасининг ўлчами 2,7-4,5 мм, шакли чўзинчоқ, тук билан қопланган, тузи оч-яшил. Урғочисининг қоринчаси бўйлаб жойлашган ва яхши кўринадиган тухум қўйгичи мавжуд. Тухумларининг шакли бироз букилган кўзачасимон шаклда, тузи сариқ-яшилдан кулранг-сариққача. Серпуштлиги – 70-80 тухум. Личинкалари беш ёки олти ёшни ўтайди. Табиатда макролофус 3-ёшдаги личинка стадиясида ўсимликнинг тўпбарггуллари остида қишлияди. Имагоси ўртача 30 кун яшайди. Бир наслнинг ривожланиши 37-43 кун давом этади.

Қандала кенг ҳарорат диапазонида яъни 13 – 40⁰C ҳароратда ва 65-95% хавонинг нисбий намлигига ривожланиш қобилиятига эга ҳисобланиб энтомофаг учун оптималь температура 25-27⁰C ҳароратни ва 75-85% хавонинг нисбий намлигини ташкил қиласи.

Ушбу энтомофаг оққанот билан озиқланганда унинг биологик самарадорлиги 80-90%, шира учун 40-50%, ўргимчаккана 20% ҳисобланади.

Имаго ва личинкалари йиртқичлик қиласы. 4-5 ёшдаги личинкалари имаголарига нисбатан фаол озиқланади.

Бир кунда битта энтомофаг 40 тагача катта ёшдаги ўсимлик битлари билан озиқланғанлиги ҳамда оққанотни бунга нисбатан күпроқ истеъмол қилғанлиги олимлар томонидан ўрганилган. Битта урғочи макролофус ҳаёти давомида 3200 дона тухум ёки 2500 оққанот личинкаларини йўқ қилишга қодир. Йиртқич личинкалар хаво намлигидан қатъий назар, $+15^{\circ}\text{C}$ да ривожлана бошлади. Аммо қандала ўсимлик битлари билан асосий озуқаси бўлмагандан озиқланади.

Макролофусни қўллаш. Макролофусни икки усул билан қўллаш мумкин: биринчидан профилактика мақсадида, яни 1m^2 майдонга бешта вояга етган зотлари, битта ўсимликка 10-15 личинка ҳисобидан тарқатилади; иккинчидан, ўсимликда заарқунандалар пайдо бўлганда тарқатиш меъёри ўсимлик битлари қарши 1:5, оққанотга қарши 1:10 йиртқич:ўлжа нисбатларига тўғри келиши керак. Бодрингда оққанотга ва ўсимлик битларига қарши йиртқич 1 гектарга 400-500 минг вояга етган зотлари ҳисобидан тарқатилади.

Иссикхона ўсимликларида оққанот, ўсимлик битлари ва ўргимчакканда бир вақтда ривожланганда макролофусни фитосейус билан биргаликда қўллаш маъқул.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР

1. Xamraev A.SH., Xasanov V.A., Sulaymonov V.A., Kojevnikova A.G. O'simliklarni biologik himoya qilish vositalari. – Toshkent, 2012. – 39 b.
2. Адашкевич Б.П., Шийко Э. Разведение и хранение энтомофагов. Ташкент: «Узбекистан», 1983. 99 с.
3. Адашкевич Б.П. Биологическая защита крестоцветных овощных культур от вредных насекомых. Ташкент: «Фан», 1983. 200 с.
4. A.Sh. Xamrayev, K.Nasriddinov. O'simliklarni biologik hitnoyalash. Toshkent: Abdulla Qodiriy nom idagi «Xalq m e'rosi» nashriyoti, 2003. 287-b.

5. Бондаренко Н.В. Биологическая защита растений. Издан ие 2 -е переработанное и дополненное. Москва: Агропромиздат, 1986. 278 с.